

КИШЛОК ХАЖАЖИКАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси
Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 1 август

ПАЙШАНБА

№ 147 (5.190).

БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади



ҲАР ТУПИ АРДОҚДА

Бригадамиз аъзолари ҳар йили пахтадан юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар. Рена ошириб бажарилаётган қолхозчиларимизнинг моддий манфаатдорлигини ҳам кучайтирмоқда. Жорий йилда 56 гектар майдонда деҳқончилик қилаймиз. Ҳар гектар ердан ўртача 29 центнердан хирмон қўтариш мўлжалланган.

Шу кеча-қундузда гўза парваришни рисоладагидек олиб бораёلمиз. Қўкламги қийинчиликлар маҳорат билан бартараф этилди. Экин ривожидан қолқоқлик йўқлиги, ҳар тупни серхосил, серажив ўстиришга интиламиз.

Ҳарорат юқори бўлаётгани гўзаларнинг сувга талабини оширмоқда. Экинни оби-тобиди суғорган деҳқон ҳар томонлама ютади. Шу босқичда миришкорларимиз бутун диққат-эътиборни ҳар қатра оби-ҳаётни тежаб-тергаб, ниҳолларни ўз вақтида сувга қондириш пайидан бўлмоқдалар. Бу ишга таж-

рибали сувчилар бош-қош. Қарши Авазбадалов, Икром Эсонов, Собир Ҳошимов, Қобилжон Тешабоев қабилар бу борада ғайрат қўрсатмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, биз экин маромда ривожланиш учун барча шароитни яратишга ҳаракат қилаёلمиз. Чунки кетмон чопиғи ўтказилмоқда. Бунда култиватор ишчи қисмлари тегма қолган тулпарнинг бўғзи сифатли қилиб юмшатишмоқда. Ҳозиргача бу тадбир уч маротаба ўтказилди. Чопиқ ишларида Одинахон Йўлдошева, Султонхон Усмонова, Муҳаррам Юсупова, Сабихон Абдуразақова ваби қолхозчиларимиз фаол қатнашмоқдалар. Улар кунлик тоширини 1,5 ҳиссага бажаришарди.

Б. ЮНУСАЛИЕВ,
Олтинқўл районидан
Калин номида жамоа ҳўжа-
лининг бригада бошлиғи.

Октябрь районидан «Уч қаҳрамон» давлат ҳўжалиги чўкчуварлари ҳўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш бошланганининг 35 йиллигини муносиб кўтиб олиш учун астойдил меҳнат қилаётлар. Улар 3630 гектар майдонда гўза ўстиришарди. Ҳар гектар ҳосилдорлигини 30 центнерга етказиш мўлжалланган. Айни кунларда гўза парваришни тобора қизиқтирмоқда. Мўҳим агротехника тадбир — чеканкини сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бериларди. Ҳар кун 45 та механик билан 450—500 гектар майдоннинг гўзаси чилиялати.

Ўзбекистон Компартияси Марказий

Қўмитаси тафтиш комиссияси аъзоси Бахтигул Есимова бошлиқ зенюда айниқса дала ишлари яхши ташкил этилган. Жамоа найкаларида ўстирилаётган ниҳолларнинг ҳар тупида 8—10 та тўқ кўсак санаш мўмкин. Бу ҳозирнинг ўзи даёқ ҳар гектар майдонда 30 центнердан ҳосил яратишда деган гап.

СУРАТЛАРДА: 1. Зеню бошлиғи Бахтигул Есимова ва ҳўжалик бош агрономи Исроил Лапасов чеканка сифатини текширмоқдалар. 2. Механизм ёрдамида чилиш пайти.

К. ЖУРАҚУЛОВ олган суратлар.

КЎСАКЛАР ШОДАСИ

Риштон районидан Алишер Навоий номи давлат ҳўжалиги даладариди бўлган киши мўл ҳосил тўплаш учун қизғин меҳнат қилинаётганлигини ўсти-
дан чиқарди. Чиндан ҳам ҳўжалик заршунослари бу йилги ноқулайликларга қарамай баракали хирмон тик-
лаш пайидан бўлмоқдалар. Айни кунларда 1420 гектар майдонда гўзалар серажив ўстирилмоқда. Ҳар гектар ҳисобига 31,5 центнердан ҳосил етиштириш кўзда ту-
тилган.

— Меҳнат аҳли ҳар йи-

ли фидокорлик қўрсатиб, пахта тайёрлаш режалари-
ни бажариб келмоқда, —
дейди ҳўжалик директори
Охунжон Жабборов. — Бу
йил ҳам тоширини ялғор-
лар қаторида бажариш, бу-
нинг учун мўл ҳосил тўп-
лаш ниятидамыз. Шу кун-
ларда даладарда кузги хир-
мон тақдир ҳал этилаётди.
Деҳқонларимиз ҳозиргача
гўза қатор ораларига олти
марта комплекс ишлов бер-
дилар. Бу борада Тўхтасин
Каримов, Ваҳоб Жўраев ка-
би механизаторларимиз ҳам-

касбларига ўрнак бўлиша-
пти. Яхши парвариш ту-
файли ҳар тупда ўртача
6—8 та тўқ кўсак олинди.

Бошқа ҳўжаликларида ҳам
дала ишлари тобора қизи-
тиляпти. Умуман район
пахтакорлари бу йил 11.141
гектар ерда деҳқончилик
қилишарди. Ҳосилдорлик-
ни гектар бошига 28,7 цент-
нерга етказишга бел бог-
ланган. Қатор ораларини
юмшатишда 109 та чопиқ
трактори умуми ишлатила-
пти. Шунингдек етарлича
сувчи жалб қилинган.

У. МУҲАМЕДОВ.

СССРга МАРҲАБО!

М. С. Горбачевнинг тан-
лифига биноан АҚШ Прези-
денти Ж. Буш Москвага кел-
ди. Расмий таширининг би-
ринчи кун қўл иш қилин-
ди, сермазун, сернум му-
зокаралар бўлиб ўтди.

Таширининг ўзи Катта
Кремль саройининг Георгий
залида расмий кўтиб олиш
маросими билан бошланди.
Бу ерда, давлатимизнинг кўп
асрдик тарихи тимсоли бўл-
ган Кремльда шу кунларда
унинг тақдирини белгила-
йишга ҳаракатлар рўй бер-
моқда. Стратегик ҳўжум
қўроллари тўғрисида шарт-
нома имзоланиши шу во-
қеаларнинг бири бўлади.

Бу — қўролсизланиш жа-
раёидидаги катта қадамгина
эмас, у — жаҳон тараққи-
ётида яхшилик сари принци-
пал бурилишнинг муқар-
рарлиги тобора кучайиб бо-
раётганининг рамзи ҳам-
дир, деб таъкидлади М. С.
Горбачев табрик нутқида.
СССР Президенти ташири-
нинг бошини кўзатиб тур-
ган барча кишиларга ўз
ватандошларимизнинг совет
ва америка ҳақларининг
умидларини оқлашга инти-
ламиз, деб ваъда берди.

Келинлар, муштарак мақ-
садларга энди муҳолифлик
бўлмайдиган барқарор дунё-
га, ўзаро манфаатли инти-
содий алоқаларга эришишга
интилайлик, қўрол-яроғлар
тарқалиши муаммоларидан
тортиб экология муаммолари-
ни ҳал этишгача бўлган
барча соҳаларда ҳамкорлик
қилайлик, деди Ж. Буш жа-
воб сўзида. Америкаликлар
Совет жамияти билан барча
даражада ҳамкорлик қи-
лишни хошлайдилар. Штат-
ларимиз билан республика-
ларимизнинг фуқаролари
ўртасидаги ўзаро алоқалар-
ни кенгайтиришдан ташқари,
ҳукуматлар ўртасидаги
кўпроқ ҳамжиҳатликдан
ташқари, биз жамиятнинг
барча табақалари ўртаси-
да — ишбилармонлар, та-
лабалар, ижодкор зиёлилар
ва олимлар ўртасида кўпроқ
ҳамжиҳатлик бўлишига ин-
тиламиз.

Катта Кремль саройининг
Екатерина залида СССР ва
АҚШ раҳбарларининг яқна-
ма-яқна сўхати бўлиб, сўнг-
рашда шунинг ўзиди Н. А.
Назарбаев, В. С. Павлов,

А. А. Бессмертных, Д. Т.
Язов, Ж. Бейкер, Б. Скоун-
рофт, бошқа совет ва аме-
рикалик расмий кишилар
иштирокида кенгайтирилган
таркибдаги музокаралар бў-
либ, Иккала давлат раҳбар-
ларининг мулоқоти СССР
ва АҚШ президентлари-
нинг амалий нонушта зиё-
фати вақтида давом этди.
М. С. Горбачев билан Ж.
Буш олий даражадаги учра-
шув дастурида кўзда ту-
тилган танаффусдан Кремль-
ни ва Қизил майдонни сайр
қилиш учун фойдаландилар.

Тушдан кейин АҚШ Прези-
денти Москва ҳалқро му-
носабатлар давлат институ-
тида лекция ўқиди.

РСФСР Президентининг
Кремльдаги қароргоҳида Б. Н.
Ельцин билан Бушнинг уч-
рашуви бўлиб ўтди.

Кечқурун Кремльда М. С.
Горбачев ва Р. М. Горбачева
АҚШ Президенти ва Б. Буш
хоним шарафига зиёфат бер-
дилар. Зиёфат вақтида ик-
кала давлат бошлиқлари
нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СОВЕТ-АМЕРИКА УЧРАШУВИ БОШЛАНДИ

30 июль кунин Кремльнинг
Георгий залида тантанали
саломлашувдан сўнг икки
Президентнинг учрашуви
бошланди. Уларнинг муло-
қотири узлуksизлиги ва
мунтазамлигини даволат
Берушву бу учрашув алоҳи-
да аҳамиятга эгадир. Учра-
шув икки давлатнинг баҳам-
жиҳат ҳаракатлари, улар-
нинг бевосита шерикликка
айланган ҳамкорлиги жаҳон
сифатида ҳозирнинг ўзида
ең сезиларли натижалар бер-
ган пайтда ўтмоқда. Барча
масалаларга зўр масъулият
билан ёндашувчи Жорж
Буш қабил суҳбатдош билан
хатто жуда мураккаб вази-
ятларда ҳам олға бориш
мўмкин, деб таъкидлади
М. С. Горбачев.

Президентлар шу кунлар-
да муҳоама қилиниши лозим
бўлган муаммоларни
тақсимлаб олиш тўғрисида
келишиб олганларидан сўнг
Совет Иттифоқидаги вазият
тўғрисида катта суҳбатни
бошладилар. Ж. Буш берган
саволларга ва унинг шарҳ-
ларига қараганда, бизнинг
муаммоларимизга қизиқиш-
нинг сабаби воқеалигимизни
яхшироқ тушуниб етиш
истаги. Совет Иттифоқидаги
қайта қуришни, чуқур де-
мократик ўзгаришларни қўл-
лаб-қувватлаш сифатини
аниқроқ белгилаб олишга
интилиш эканини равшан
қўйди. Штатларда бизнинг
мамлакатимиздаги жараён-
ларга қизиқиш мана шу
жуда мураккаб, ўтиш бос-
қичида иккала мамлакат
бир-бирига нисбатан ва жа-
ҳон ишларида қандай ҳара-
кат қилиши лозимлигини
излаш билан боғлиқ. Булар-
нинг ҳаммаси жуда муҳим
дир. Шу сабабли ҳам пухта
ва узоқ тайёргарлик қўри-
ган таширф. М. С. Горба-
чевнинг сўзлари билан айт-
ганда, Совет — Америка муно-
сабатларини яхшилашга қў-
шилган чинакам ҳисса бў-
либ, бу муносабатларнинг
янги сифати ва мазмундор-
лигини акс эттирди.

Совет раҳбарияти тўғри-
сида гапирганда, деб таъ-
кидлади у, АҚШ билан му-

носабатларни яхшилаш —
бу пухта ўйланган қарор
ва таянч олинган узоқ-кесил
йўл бўлиб, биз уни амалга
оширишимизга тўсқинлик қи-
лишга ҳар қандай уриниш-
лардан ҳимоя қиламиз. Бу
йўл Совет Иттифоқининг
узоқ муддатга мўлжаллан-
ган тўв манфаатларига мос
келади.

М. С. Горбачев АҚШ
Президентининг Совет Ити-
фоқи билан ҳамкорлик қи-
лиш Америка манфаатлари-
га ҳам мослигини қайд эти-
шга янада даволатлар-
нинг иқтисодий жаҳондаги
ўзаро алоқалари, бир-бири-
га боғлиқлигининг теран
ва истиқболли аҳамияти тў-
ғрисида гапирди, чунки ана
шу ўзаро алоқалар ва
бир-бирига боғлиқлик ва
бир-бирига қарамлик тие-
сатни тагин ҳам тўлароқ,
янада масъулиятлироқ, та-
гин ҳам равшанроқ қилиди,
бинобарин ишончини мустах-
камлайди.

Икки соат давом этган я-
қнама-яқна сўхат, сўнгра
делегациялар таркибиди
суҳбат чоғида асосий эъти-
бор катта «еттилик»нинг Лон-
дондаги қарорлари муноса-
бати билан СССР ва Қўш-
ма Штатлар ўртасидаги иқ-
тисодий муносабатларга қа-
ратилди. Ж. Буш Америка
жамиятида катта хавотир-
лик туғдираётган ҳозирги
ўткир даврда бу муносабат-
ларда иш учун энг долзарб
масала нима эканилиги билан
қизиқди. М. С. Горбачев
ҳамкорлик бевосита фойда
келитириш мўмкин бўлган
ва, шубҳасиз америкалик-
ларга ҳам нафли бўлади-
ган аниқ йўналишларни ва
ишшоотларни эътилоб иқти-
содий ишлохотни рақибла-
лаш ва янги иттифоқни
барпо этишининг ҳозирги
босқичидаги ахтёжларимизни
муфассал таърифлаб
берди. Гап совет иқтисоди-
етининг жаҳон бозорига чи-
либ олиш жараёнида, би-
нобарин уни бозор муноса-
батлари асосида ўзгариш-
ришга роз бўлаётган тўсқин-
лар ҳақида ҳам борди. Бун-
дай гавлар Фарба «совуқ

уруш» мероси билан, бизда
эса бир системадан иккин-
чи системага ўтиш билан
боғлиқ. Бу ҳусусда келти-
рилган далиллар ва айтил-
ган мулоҳазалар тушуни-
ли, аниқ воқеалар ва ишшоот-
ларга, шу жумладан, «Ше-
рон» йирик фирмаси ишти-
рокидаги лойиҳага нисбатан
(бу фирма билан муваффа-
қиятли бошланган ҳамкор-
лик тўхтаб қолган) бунинг
сабабларини аниқлашга шай-
лик билан кўтиб олинди.

Янги вақт ичида Ж. Буш-
нинг 11 июлдаги мактубида
айтилган таъкидлар ҳақида
Лондондаги катта «еттилик»
учрашуви ақуларни ҳисоб-
га олиниб, қилинадиган аниқ
ишлар тўғрисида келишиб
олинди.

Ўзаро манфаатдорлик, ўза-
ро қизиқиш иқтисодий
ҳамкорлик қилишга энг тў-
ғри ёндашувдир, деб М. С.
Горбачев ушбу мавзу муҳо-
камасини ақуладди. Совет
Иттифоқи учун нимаики ях-
ши бўлса, Қўшма Штатлар
учун ҳам яхшидир, деб ҳу-
лоса қилди Жорж Буш.

Президентлар ўз мамла-
катларида, яъни СССР ва
АҚШда бир-бирларига қан-
дай қараётганликлари тў-
ғрисида ахборот бердилар.
Турли сийсий доиралар ва
жамият табақалари учун ҳос
бўлган барча тафовутлар ва
фарқларга қарамай, умумий
баҳо инжобийдир. Америка-
ликлар ва совет кишилари-
нинг ақсарияти муносабат-
ларни яхшилаш сифатини
қўллаб-қувватламоқда, бу
эса ана шу муносабатлар
кемажигини олиндиндан кўра
белиш учун ҳам муҳимдир.

Хайрихоҳлик, самийийлик
ва ишчанлик назиятида ў-
ган суҳбатнинг ақуловчи
қисмида Н. Назарбаев, В. С.
Павлов, А. А. Бессмертных,
Д. Т. Язов, В. И. Болдин,
Е. М. Примаков, И. А. Алек-
сеев, А. С. Чернев, В. Н.
Игнатенко, А. А. Обухов,
В. Г. Комплетов, Ж. Бей-
кер, Ж. Сунуну, Б. Скоун-
рофт, М. Фишотер,
Ж. Мэтлок, Р. Зеллик,
Э. Хьюнт, Д. Росс қатнаш-
дилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар

Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРИГА ВА МУТАХАССИСЛАРИГА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ КЕНГ КўЛАМДА ЎҚИТИШ СИСТЕМАСINI ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ МОДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСINI РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Республикада чет тиллар-
ни кенг кўламда ўқитиш
системасини тубдан тако-
миллаштириш, унинг модий
базасини мустаҳкамлаш ва
ривожлантириш, ўқувчи ёш-
ларни ва мутахассисларни
жаҳон фани ва техникаси
ютуқларидан бевосита баҳ-
раманд этиш, уларни хо-
рижда қўллаб-ўқитиш ва
тажриба ортиштиришга юбо-
ришни йўлга қўйиш учун
шарт-шароит яратиш мақса-
дида Вазирлар маҳкамаси
қарор қилди.

1. Ф. Энгельс номи
Тошкент давлат чет тиллар
институтини қонда чет тил

ларни ўқитиш махсус курс-
лари неғизда республика
тил ўрганиш маркази таш-
кил этилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий
ва ўрта махсус таълим ва-
зирлиги (Ўртоқ Алимов),
Ўзбекистон ССР Ҳалқ таъ-
лими вазирлиги (Ўртоқ Йўл-
дошев) Қорақалпоғистон
МССР Вазирлар Кенгаши,
вилоят иқроия комитетлари
ва Тошкент шаҳар иқроия
комитети билан биргаликда
Тошкент ва Нукус шаҳар-
ларидаги, вилоят марказла-
ридаги олий ўқув юртирлар

давлат чет тиллар институ-
ти, Тошкент давлат Шарҳ-
шунослик институтини, Ўзе-
бекистон ЛКМС Марказий Ко-
митетининг ёшлар институ-
ти, Андижон давлат тиллар
педагогика институтини, Нукус,
Самарқанд ва Фарғона дав-
лат дорилфунунлари, Бухо-
ро, Жиззах, Қарши, Наман-
ган, Термиз, Сирдарё ва
Хоразм давлат педагогика
институтлари неғизда рес-
публика ва минтақа тил ўр-
ганиш марказларини таш-
кил этсинлар.

(Давоми 3-бетда).

ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ЮМУШЛАРИ

Август ойида жумҳуриятимиз меҳнаткашлари ҳаётида
қизғин дамлар давом этади. Бу пахтакорлар учун гўза
парвариш ва ҳосил тўплашнинг масъулиятли палласи,
ғаллакорлар учун ўрн-йиғимни тугатлаш, озуқакорлар
учун мўл емиш жамғариш, ноз-неъмат буюёқкорлари учун
пишиб етилган меза-чевани йиғиштириб олиш давридир.
Ҳўш, бу ойда ишчи қандай ташкил этиш керак? Қўйда
шу ҳусусда сўз юртилади.

Гўза парвариши. Бу йил-
ги об-ҳаво шароити қишлоқ
ҳўжалиги экинларининг ри-
вожланишига салбий таъсир
қўрсатгани ҳаммага маълум.
Гўзаларнинг ўсиши орқада
қолмоқда. Уларнинг парва-
риши олдинги йилларга қара-
ганда жадаллаштирилмаси
қўнғилдагидек ҳосил тўплаш
мўмкин бўлади. Ниҳоллар
ривож қилинади. Қорақалпоғистон
мухтор жумҳурияси, Хоразм,
Самарқанд, Тошкент вилоят-
лари ва Фарғона вилоятида
қариб 20—25 кун кейинда
бормоқда. Ўсиши суст гўза-
ларни деярли барча вилоят-
ларда, район ва ҳўжалик-
ларда учратиш мўмкин.
Ҳатто бир далада ҳар хил
ривожланган ниҳоллар бор.
Уларнинг айрим туплариди
уч-тўртта кўсак олинган
бўлса, бошқаларида озроқ,
айримларида эса умуман
йўқ. Баъзи гўзалар энди-
на гулга кирган.

Хулоса шуки, август ойи-
да экин парваришини кучай-
тириш керак. Ҳозирги ша-
ротда бу давр аввалги йил-
ларнинг июль ойига тўғри не-
лайтиши. Бинобарин хотир-
жамликка, бепарволикка
йўл қўймаслик зарур. Ав-
густнинг ҳар бир кунини ҳо-
сил тўплашга хизмат қили-
ши учун гўзанинг ривожла-
нишини тезлатувчи агротех-
ник тадбирларни ўз вақтида,
сифатли ўтказиш даркор.

Ушбу ой охиригача ниҳол-
ларнинг сувга талаб-эҳтиё-
жи сустаймади. Ҳар гектар
экинзор бир кеча-қундузда
гўза таналари орқали 80—
110 куб метр оби ҳаётни бу-
ғлатади. Агар бу даврда туп-
роқ таркибиди сув миқдори
оазис эканининг ўсиши ва
ривожланишига салбий таъ-
сир еттишдан ташқари ёш
мевалар тўқилиб кетишига
олиб келади. Бундай ҳол
рўй бермаслиги учун суго-
ришни кечюа қундуз таш-
кил этиш, пайкалнинг
ҳамма жойини бир текис
сув билан таъминланиши
лозим. Сувчилар сонини
иқти-уч барвар ошириш ке-
рак. Шундай қилинмаса ни-

ҳоллар нотекис ривожлани-
ши, мевалар тўқилиши, ҳо-
сил сифати ёмонлашиши
мўмкин.

Ҳар бир сувдан кейин,
тупроқ намлиги маълум да-
ражада қамайган, қатор ора-
ларини сифатли култиваци-
я қилиш зарур. Ҳозир гўза
илдини яхши ривожланган.
Унга зарар етказмаслик учун
култивацияни саёз, лекция
сифатли ўтказиш тавсия
этилади. Бу тадбир мудда-
тидан олдин ёш кейин ба-
жарилишига йўл қўйиб бўл-
майди. Айниқса кечикиб ўт-
казилган култивация гўза
ҳосилдорлигини тўқилишига
олиб келади. Натияжада ҳо-
сил миқдори қамалиб, сифа-
ти пасайди. Иўкларини
компастида асосан ИКО ме-
ханизмларидан фойдаланган
маълум. Бунда ўрта ишчи
қисмлари (қатор оралиги 90
сантиметр бўлса) тупроқни
14—18, (60 сантиметрда эса)
10—12 сантиметр чуқур-
да юмшатади. Четадан
ишчи қисмлари шундай ўр-
натилиши лозимки, улар 4—
5 сантиметр чуқурликка
ботсин. Ҳар қандай ҳолатда
ҳам ниҳолларга зарар ет-
казмаслик эътиборга оли-
ниши даркор. Култиватор-
нинг барча ишчи қисмлари
полиэтилен пёнкага ёки
мешкавина билан бежирим
қилиб ўраб қўйилиши керак.

Гўзани сугориш, қатор
ораларига ишлов бериш би-
дан биргаликда пайкаллар-
даги ёввойи ўтларни илдин
билан юлиб ташлаш тавсия
қилинади. Шунда сувдан,
тупроқнинг унумдорлиги
чида самарали фойдалани-
либ, юқори ҳосил етиштири-
лади.

Гўзанинг ўсиш нўқталари
инини чилиш муддатлари
ўтиб бормоқда. Бу муҳим
тадбир қай усулда (хоҳ ма-
шинада бўлсин, хоҳ қўлда)
ўтказилишига қарамай, уни
5 августга қадар тугатлаш
яхши натижа беради. Бу
йилги шароитда ниҳоллар-
нинг ўсиши ва ривожлани-
ши турлича бўлганили са-
бабли уларни чилиш ҳам

Тавсия

ҳар хил пайтларда ўткази-
лиш талаб қилинади. Ав-
вало етарли миқдорда кўсак-
лар ва ҳосил шохлари олин-
ган тупларини чилиш керак.
Сўнгра икки-учта кўсакли,
бўйи паст гўзаларнинг учи-
ни қирқишга тўғри келади.
Ушбу юмушни механизмлар
билан ҳам, қўлда ҳам бажари-
ш мўмкин.

Бу йилги табиий шароит
жуда ноқулай келиб, қиш-
лоқ ҳўжалиги зараркунада-
лари ва касалликларни кў-
пайишига имкон яратмоқда.
Дастлавл гўза бити ва ши-
ра сероблашди. Ҳозир эса
ўрғимчакнама билан кўсак
қурти ҳосилга зарар етказ-
моқда. Қорақалпоғистон,
Қашқадарё, Сурхондарё ва
Хоразм вилоятларида гўза
зараркунадалари кенг тар-
қалганлиги аниқланмоқда.
Айниқса оқашша, кўсак
қурти экинга катта зиён ет-
казди. Айни пайтда Сур-
хондарёнинг жанубий район-
ларида кўсак қуртининг
учинчи авлоди кўп ёйилаёт-
гани қузултирмоқда. Бошқа
вилоятлардаги экинзорлар-
да ҳам унинг тарқалиши да-
вом этмоқда. Бу хавфли ҳо-
латнинг учинчи авлоди
Бухоро ва Қашқадарё вило-
ятларида 2—10 августда
қўнайиши кутуляпти. На-
манган, Хоразм вилоятлари
ҳамда Қорақалпоғистоннинг
Марказий ва жанубий район-
ларида 14—19 августда,
Тошкент, Сирдарё, Фарғона,
Андижон, Самарқанд вило-
ятларида августнинг учинчи
ўн кунлигиди сероблашиши
таҳмин қилинапти.

Шунингдек, битта пай-
калда турли хил зарарли
ҳашаротлар учрамоқда. Су-
ғорилаётган сувдан чиққан,
сиёз сув яқин жойлашган
далаларда айниқса кўсак
қурти қўлпўли қузултирла-
пти. Бу зараркунадаларга
қарши асосан трихотрима
қўйилади. Бунда муносабат
75—150—75 минг лона бў-
лиши керак. Кўсак қуртига
қарши бракон ҳам 1:20,
1:10, 1:5 тарзида ҳам тар-

ганликлари учун ўйна-
ликлари яқол сезилиб
«Помир» футболчилари
га тезкорлик билан та-
да, ammo ҳал қилувчи
каларда комбинациялар
ясига етмай қолди.

Пахтакорчилар чи-
да айтиганиндек, улар
хужума тез-тез ўти-
ди. Бир неча қўлай ми-
ё берилди.

Иккинчи бўлимда ха-
шу зайлда давом этди.
дан эгалари меҳмонни
буш «жой»ларини топки-
ракат қилдилар. Пахта-
лар эса химюда аниқ
«Помир» жарима майда-
га ёриб кира бошлаш-
узмин оқлади. Хожорт
бир неча бор ҳисоби
миноиятларига эга бул-
Михотат иккинчи бўли-
20-деқиқасида дарвоза
этилди. Канотдан тез
билан олдинга ташлангн
хом Шарипов кулай ва-
турган шериги Андрей
иккинчи бўлини шундай
дини, кейинги футбол-
уни тўхтатмасдан дарв

Пактавчиқчилар! Юқорида айтганимиздек, улар ҳам кулмуға тез-тез ўтиб туршди. Бир неча қўлай имконият бой берилди.

Иккинчи бўлимда ҳам ўйин шайдо давом этди. Жайдон эгалари меҳмонларнинг бўш ҳужайраларини топишга ҳаракат қилдилар. Пактавчиқлар эса ҳимодда аниқ ўйнаб, «Помир» жарима майдончасига ёриб кира бошлашди. Бу ўйинни оқлади. Ҳамюртларимиз бир неча бор ҳисобни очмиш имкониятларига эга бўдилар. Ниҳоят иккинчи бўлимининг 20-дақиқасида дарвоза ишғол этилди. Қанотдан тезкорлик билан олдинга ташланган Илҳом Шарипов қўлай вазиётда турган шериги Андрей Пятницкийга тўпни шундай узатди-ки, кейинги футболчилмиз уни тўхтамасдан дарвоза тў-

Шундай қилиб, ягона тўп ўйин тақдирини ҳал этди. Қимматли 2 очкони қўлга киритган пактавчиқлар ҳавфли ўйинлардан бироз узоқлашиб олдилар. Энди улар ўз майдонларига ўйнашди. 7 августда Тошкентда Москванинг «Динамо» клубини қабул қилишди. Эслашиб ўтатиш: биринчи даврада динамочиларнинг омади келганди.

Олий гуруҳда яна бир неча урғувш бўлиб ўтди. Улар натижаси билан танишши:

«Динамо» — «Спартак» [Москва] — 0:2; «Динамо» [Москва] — «Динамо» [Киев] — 1:0; «Черноморец» — «Шахтёр» 1:1; «Спартак» (Владикавказ) — «Арабат» — 2:0.

Москванинг «Спартак» жамоаси сафарда галаба қилганидан сўнг жалғарамасидан очкочларни 29 тага етказиб, биринчи ўринга чиқиб олди.

ганликлари учун ўйна-
ликлари яқол сезилиб
«Помир» футболчилари
га текзорлик билан та-
да, ammo ҳал қилувчи
каларда комбинациялар
ясига етмай қолди.

Пахтакорчилар чи-
да айтганинидек, улар
хужума тез-тез ўти-
ди. Бир неча қўлай ми-
ё берилди.

Иккинчи бўлимда ҳам
шу зайдла давом этди.
дан эгалари меҳмонни
буш «жой»ларини топки-
ракат қийдлар. Пахта-
лар эса химюда аниқ
«Помир» жарима майда-
га ёриб кира бошлаш-
узин оқлади. Хамортул
бир неча бор ҳисоби
миноиятларига эга бул-
Михотат иккинчи бўли-
20-деқиасида дарвоза
этилди. Канотдан тез
билан олдинга ташланган
хом Шарипов кулай ва-
турган шериги Андрей
иккинчи бўлини шундай
дини, кейинги футбол-
уни тўхтатмасдан дарво-



Август — йилнинг энг тўкин ойи. Саховатли дёғиримнинг боғ-роғлари, полклар, далавлари ўзларда етилган ноз-неъматларини нийом этади. Саҳий элликма дастурхонин ҳар қачонгидан тўкин бўлади. Хирмон тўла донлар, илдизмева-лар, ёқут олмалар оптидек товланади. Шаҳар ва қишлоқ бозорларининг расталари мева-чевага лиқ тўлади. Бақлажон, оиковок, бодринг, помидор янада кўпаяди. Бу нарх-наво ан-ча пасаяди демандир. Айни чоғда қийин муаммо кўндаланг бўлади. Бу ўларин айнитмасдан, янги ҳолда сақлашдир. Ана шундай чоғда кўп нарса таъминотчиларнинг омилкорлиги, тадбиркорлигига боғлиқ бўлади.

Ҳазирама иссиқ шамол-лар туфайли Қизилқумда қўрғоқчил дамлар бошлан-ди. Аммо бу йил ёз «ғаро-йиб» келди. Ҳатто июль ойида ҳам ёмғир севаланган кунлар бўлиб. Бунинг нати-жасида сел бўлиб, тоғли минтақалардан шиддатли оқимлар водийларга қараб интилди. Бу қишлоқ ҳа-лигига катта зарар келтир-ди. Айни чоғда ўтларнинг ўсishi ҳамлиб кетди. Ўза-нини ривож олдатида 15 кун кечикти.

Кум барханларининг жа-нубий томонларида, Ўзбек-даш-ларидида ўсадган турли хил ўсимликлар қўвнинг жазираме иссиқда қўйиб кетди. Уларнинг пишиб етил-

ган уруғлари чор атрофга сочилиди. Келгуси йилда ба-ҳор келиб, замин исий бош-лача, улар униб чиқади. Аммо баҳор ва ёз олд-да-гидан кечикканлиги ту-файли даштлар ҳамон кўм-кўк бўлиб турибди. Ёввойи нўхат каби ўсимликлар ҳа-мон барқ уриб ўсмоқда.

Чотқол тоғларидан бош-ланадиган Оқбўлоқ ва Писом сойларидида дарах-тор дарааларда, Чорвоқ сув омбори соҳилларида, Сижак те-варак-атрофларида ёввойи малина гуллади, патматан қизғин гулларини очмоқда. Маймунчон ҳам гуллапти. Орадан икки ой ўтиб, бил-лур шабнамлар патматан ме-валарини юва бошлаганда

уларни йиғиб олишга кири-шиш мумкин. Демак, тез орада пишиб етилиш навбатини малина, маймунчон, зирк, олича, дўлана ва тоғ олмаларига келади.

Ёввойи мушук, қундуз, кўнғир айиқ, тўғизларнинг бундай жойларни макон қилишига сабаб ана шунда. Бу жониворлар ёввойи ме-валарни яхши кўришади.

Энг қизқарлиси, ёввойи мушукларнинг ана шу ер-

тимиз ерларини тарк эта бошлайди. Баъзилари тоғ-лардан қуйига, водийларга тушишади, бошқалари иссиқ-улкаларга кетиб, фақат ба-ҳор келгандагина қайтиша-ди. Шундай қушлар ҳам борки, улар туғилган ерла-рида об-ҳаво қандай кели-шидан қатъий назар қолиб кетишади ва ота-оналари би-лан бирга яшашади.

Тоғ устидаги чеки йўқ осмон кенгликларидида ёш бургутлар учиб юришади.

ТЎКИНЧИЛИК

ларни бошпана қилишдир. Улар меваларни емайди-ку, ахир? Гап шундаки, мева-зорларда кемирувчилар кўп бўлади. Улар мушуклар учун «топилма»дир. Тўғри, бу ерларда қуш-лар ҳам нийҳоятда кўп. Бо-иси шуки, август улар мой тўпламайдиган ой ҳисобла-нади. Қушлар полапонлари-ни учирма қилиб, зўр бериб овқатланишга киришади. Аввал мой тўплашади, сўн-гра туллаб, патларини тар-тибга келтиришади. Пола-понлар эса қавот чиқариб, кўча тўлишади. Негаки, кўп ўтмай олис сафарга чи-қишади, яъни қишлоқ учун иссиқ ўлкаларга учиб кети-шади. Бу барча қавотли жо-ниворлар учун кўп куч та-лаб этадиган катта имтиҳон-дир. Яхши овқатланиб, мой ва куч тўплаш йўлда асқо-тади.

Зағча, арча чумчуқ, на-клик, қарқуноқ каби қушлар шу кунларда Ғарбий Тянь-шань тоғларида нийҳоятда кўп. Август охирига бориб улар анча қамаяди. Гап шундаки, айрим қушлар юр-

Пиртқич қушлар ёруғ кун-нинг кўп қисmini ҳавода ўтказишади. Баъзан улар тез елувчи шамолларга бар-дош беролмай ерга тушиша-ди. Тоғлардаги булоқлар бўйида, қояларнинг ўпи-рилма ерларида ов қилиша-ди. Шунини таъкидлаш керак-ки, ҳозир йиртқич қушлар анча қамаяди. Шу боис кў-риқхоналарнинг ҳодимлари уларни муҳофаза қилаётти-лар. Табиат шайдолири, ўр-мончилар бу борада уларга ёрдам бермоқдалар. Ўрни келганда йиртқич қушлар ҳам фойдали эканлигини қайт қилиш зарур. Табиат-нини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Йиртқич ва тўғеқли ҳай-вонлар августда кўпчила-онла бўлиб юришади. Улар-нинг болавлари катта бўлиб қолишади, ота-оналари би-лан бирга ов қилишади, бир-га ўтлаб, ўзларини табиат бағрида қандай тутиш, хавф-туғилганда қочиш, яшириниб олиш, оғир аҳволга тушиб қолганда ҳимояланиш сир-ларини ўрганишади.

Тўғизлар, Марказий Осиё тоғ эчкилари, еликлар қуйига икки марта булоқлар бўйига сув ичгани келиша-ди. Ёввойи қўйлар эса Ну-рота тоғларидаги ўпирилма ерларда ахтиёркорлик билан ўтлашади. Улар нийҳоятда қамайиб кетган. Шу боис Ўзбекистон «Қизил китоб-ига» ёзилиб, авайлаб му-ҳофаза қилинмоқда. Север-цев қўйлари деб аталган бу жониворларни кўриқлаб, қўлайтириш олимлар ва ов-шунослар, божмонлар ва ўрмон хўжалиги ҳодимлари-нинг шу кунлардаги муҳим вазифасидир. Улар чорвачи-лик соҳасида олиб борилган селекция ишлари учун дав-лат фонди ҳисобланади.

Август Зарафшон, Сир-дарё, Чирчиқ, Амударё, Сурхондарё бўйларида ба-лиқ овлашнинг энг қўлай давридир. Кечкурун сув ан-ча илқ, эрталаб эса ўтлар кумуш шудринлар билан қопланади. Устига-устак ав-густ — ённинг охириги ойи. Бу даврда дехқончумчуқ полапонларни учирма бўлиб қолади. Аммо ота-онаси ҳа-мон уларни боқиб ташвиши-

да. Қўқарғалар, тилларанг бўзақлар, қарқуноқлар, қалдирғочлар, тўғайлар бо-лавларини аллақачон учирма қилишди.

Қушларнинг юртимиздан учиб кетиши ёз охирида бошланади. Бу уларнинг ту-рига боғлиқ. Навбат бирин-кетин келади.

Далаларда эса қизғин дамлар. Пахтакорлар мўл ҳосил тўплаш учун курашни давом эттиришлар. Ўза-ни суғориш кечаю кундуз ташкил этилаётир. Август — бу қимматбаҳо экин хо-силини тўплашда якуловчи ой. Шу боис ҳозирги иш-ларнинг ушшоқлиги билан, юксак даражада ўтказилиши катта пахта хирмони уюшда катта роль ўйнайди.

Боғлар, полклар, галла-зорлар одамлар билан га-жум. Ҳосил йиғиш ва тў-плаш ишлари кўп эътибор бериш, парваршиши яхши ташкил этиш, қисқаси, фи-докорона меҳнат қилишни тақозо этади.

А. ҲУМОНОВ,
табиатшунос.



БОҒБОН

Қуёш бошини, Ой қошини қўнида бахтли инсоним, Икковий юзларинг этди нурафшон, шонли боғбоним.

Қўриган, совуқ урган ҳар дарахтга жон бахш этдинг, Бари гул касасига шахд қўйдиг, жон боғбоним.

Дарахтлар гирдила парвона бўлдинг, офатин ҳайдаб, Ани меҳринг ила дурдона этдинг, жон боғбоним.

Хон усти тўла бутун ҳам меҳмон-меҳмон мамнун, Ҳамма сенга ташаккур айтади, шоён боғбоним.

Сенинг совғаларинг ёзини-қийини хон устида азийнат, Жаҳон ҳайратдаю аҳли ажаб ҳайрон, боғбоним.

Шаҳарда нитисодий тағилкача учраса кимки, Фаровон неъматингдан бўлдилар шодмон, боғбоним.

Қийинлик орқасида келган ушбу хуш-хабар элчи, Ҳузурли кун яқин деб, ёздиран дoston, боғбоним.

Юсуфжон ҲУЗУРИН.

ҚАТРА

- Ҳаёт ҳаммаизни бир тугунга чамбарчас чирмаб қўйгандай гўё.
- Қизнинг ибодили яхши, йигитнинг эс-хушлилиги.
- Дехқон ризқи ерда.
- Ороуна ҳаёлда эмас, амалда интилиш керак.
- Ер — дону нон, тағна жону дармон.
- Донулар маслаҳатига амал қилган киши адашмайди.
- Тану жонинг соғ экан, тиним билмай ишлашга не етсин!
- Келинни қизим деган қайнона билан қайнонасини онам деган келин ўртасидаги аҳиллик бузилмайди.
- Онамзоро фарзандларининг ҳаммаси ҳам бирдай азиз.
- Инсонни давлатига, мансабига қараб эмас, алу юртга келтирган нафига қараб надрлаш лозим.
- Янги бугудой нониға оғиз тегадкан, ҳар гал минг шукроналар қилсан киши.
- Марҳум ҳақида фақат унинг душманларига ёмон гап айтиши мумкин.
- Қўпчилик ризқи ерда қолиб кетмайди.
- Умрида бирор туп ниҳол экиб, боғ яратмаган одам-нинг баҳоси ҳаммага аён.
- Қўлдам қўқичи билан кўркам, ёз емиши билан.
- Гулни севган — нам бўлмас.
- Дехқон бир ҳовуқ дон сочиб, бир пуд галла олади.
- «Барақа-деҳқончиликда» деганлари шу-да!

ҚУШЛАРНИ ҲАЛҚАЛАШ

Одамларда ҳужжат (пас-порт) расмийлаштириш тар-тиби мавжуд. Унда улар-нинг қаерда туриши, исми-шарифлари, туғилган йили, қаерда таваллуд топгани ва ҳоказолар қайд этилади. Қушларда бундай нарса йўқ. Аммо қай бири қачон, қа-ерга учиб кетиши, қандай овқатларни ейиши, қандай мамлакатларда қишлоқни билиш муҳим нарсалар. Бу-ни уларнинг оёқларига хал-қа илтиш йўли билан билиб олиш мумкин.

Одатта айланган бу иш қай тариқа амалга ошири-лади? Қўш оёғига қуйма алюминийдан ясалган хал-қача илтиш қўйлади. У қуш-га ҳалақат бермайди. Халқа-чада сон бор. У бу қайси мамлакатда ва қачон қи-лингани, қушни қаерда кў-ришгани, ушлагани, сўн-гра қўйиб юборилгани ёки ҳалок бўлган ҳолда топил-ганини билиб олиш имко-ниятини беради.

Агар ана шу маълумот-лар харитага туширилса, қушнинг парвоз давомида босиб ўтган йўли ёки туна-ган муддати кўринади. Қанотли жониворларнинг



бир юртдан иккинчи юртга кўчиши тўғрисидаги маълумотлар шу йўл билан аниқ-ланади. Чотқол қўриқхонасида қишлоқдан қушлар учун бу энг тўғри йўлдир. Шу тариқа улар қишлоқнинг қаттиқ кунларидида омон қолади-лар. Бошқа қанотлилар эса жанубий ўлкаларга учиб кетишади, баҳор келиб, кун исий бошлагани билан улар яна қадрдон ерларига қайтиб келишади. Қисқаси, қушлар ҳаёти шу тариқа кечади.

Х. ЛОЧИНОВ.

СУРАТДА: халқаланган қуш қўздан кечтирилмоқда.

Ойнома				
АВГУСТ				
ДУШАНБА	5	12	19	26
СЕШАНБА	6	13	20	27
ЧОРШАНБА	7	14	21	28
ПАЙШАНБА	18	15	22	29
ЖУМА	29	16	23	30
ШАНБА	3	10	17	24
ЯКШАНБА	4	11	18	25

ҚУЁШ ГУЛИ

Наботот оламида

ларга суртилади. Гуллари-дан тайёрланган дахлама билан оғиз бўшлиғи чайи-лади. Гулларига қўшилган қайнатма билан оғирган кўз ювилади.

Ҳозирги замон тиббиёти амалиётида кунгабоқарнинг тилсимон гуллари ва барг-ларидан тайёрланган доривор иштакча очувчи восита ҳисобланади. Шу мақсадда гули ва баргларидан тайёр-ланган спиртли тиндирма 30—40 томчида ичилади. Моидан юмшатувчи ва суртмас, дорилар, мингдони-ва суртмас, малҳамлар ва тиббий соғун турларини тайёрлашда қўлланади.

Кунгабоқар маҳсулотлари ветеринария соҳасида ҳам фойдаланилади. Жумладан, гуллари ҳамда барглари турли кўринишда ҳароратни, туширувчи омил сифатида ишлатилади. Бундан ташка-ри мойини беозор сурги си-

фатида қорамолларга 50—150 граммдан бериш тавсия этилади.

Яна бир ҳосияти шуки, у қишлоқ хўжалигига қорамол боқувчиларга асқотди. И. С. Шаров кунгабоқар гултел-пақларидан тайёрланган қайнатма сигирларнинг йўл-дошини тушириши, шунинг-дек бачадон қисқаришини уйғунлаштириши ҳақида маълумотлар берган.

Унинг ана шундай ҳоси-ятларини қандай изохлаш мумкин? Писталари тарки-бида глицерид асосли ёрлар мавжуд. Улар пальмитин, стеарин, арақидон, линол-ачиллар (кислоталар)дан ташкил топган. Писта ма-ғзи таркибидида яна оқил, карбонсувар, фитин, ош-ловчи моддалар, лимон, узум аччи, каротинонлар бор. Барги ва тилсимон гулларида

бетаин, холин, арнидиол, фаридиол, кварциментрин, цианидин моногликозиди, ка-ротин, криптоксантин мод-далари учрайди.

Кунгабоқар мамлакат-мизга «ижарачи» бўлиб кел-ган, мураккабгулдошлар ои-ласига мансуб, бўйи 2—4 метргача етадиган дағал туқли ўсимлик. Ёввойи ҳол-да учрамайди. Шимолий Америкада бир неча ўн хил ёввойи турлари бўлса-да, бариортаси унинг маданий-лаштирилган авлоди ҳисоб-ланмайди. Америка кашф этилишига қадар у ерда ма-даний ҳолда етиштирил-ган эди.

Оврупо мамлакатларида кунгабоқар энгилан илк майдонлар 1510 йилда пай-до бўлди. Қуёш гули (шу-ндай деб ҳам аташган) даст-лаб Мадриднинг ботаника боғида етиштирилиб, сўнгра

бутун Оврупо мамлакатлари-га манзарали ўсимлик си-фатида тарқалди. Россияда эса XVII асрда энгилла бош-лади. У кўп вақт давомида манзарали кўркам ўсимлик сифатида фойдаланилди. Во-ронек виллоятда яшовчи дех-қон Д. И. Бокаров 1829 йилда писталардан жувоз ёғи олишни кашф этган, бу ёғимтой ўсимлик кенг қў-ламда ўстирила бошланди.

Маълумотларга қараган-да, жаҳон бўйича 8,6 мил-лион гектар майдонга энгил-ди. Иттифоқимизда эса 4 миллион гектарни ташкил этади.

Кунгабоқар иссиқлик ҳа-мда ёруғликка ўч, унумдор туپроқни хуш қурайди. Ола-тда дастлабки ўсиш даврида 4—6 даража совуқча чи-даб беради. Нисбатан кўп сув талаб қилса-да, иссиқлик ва қуруқчиликка бардош-лигини билан ақдариб ту-ради. Бонси, илдизлари чў-қур қойлашади, ер остидан намлини етарликла олиш хусусиятига эга.

Серҳосият кунгабоқар бизнинг шароитларда яхши ўсади. У табиқорлик бил-лан парварши қилинса, кат-та наф келтиради.

М. НАБИЕВ,
доршунос.

СИРАИ МАСКАН

Тошкент ҳайвонот боғи-да бунинг гувоҳи бўлади. Ўз тарихига эга бу маскан гўшаси хатто уруш йилла-рида ҳам ҳозиргидек мушкул аҳволга дучор бўлган эмас. Қушлар ва ҳайвонларга май-дон етишмайди, озука би-лан таъминланиш қондор. Қўпгина каттаклар, хоналар яроқсиз бўлиб қолган. Янги келтирилган каттаклар-нинг қачон ўрнатилишини ҳеч ким аниқ билмайди.

Айниқса қўнғир айиқ ёмон аҳволда. Тор катка-ларга жойлаштирилган бош-қа ажойиб жониворлар ҳо-лини кўриб, ачинасан ки-ши.

Тошкент ҳайвонот боғи-да руй берган мураккаб ва-зият жамоатчиликни ташвиш-га солмай қўймайди. Аҳво-ли яхшилаш чораларини зудлик билан кўриш талаб этилади.

Фақат қушлар сақлана-диган ўрман жойлар ачтанга яхши. Тождор турналар кў-йилган майдонга атрофига кўп одам тўпланади. Бу ажойиб қушлар ҳамма эъти-



борини ўзига жалб этади. Шу ер билан ёнма-ён ҳову-да кулранг қарқаралар яй-раб, сайр қилишади. Қуйи-роқдаги сув ҳавзасида қора-қулар, ўрдақлар, гоғлар у ёқдан-бу ёққа сузишади. Ёввойи ўрдақлар орасида энг чиройлиси мандаринка деб аталади.

Қисқаси, ҳайвонот боғ-лари одамлар мириқиб дам оладиган, сайр қиладиган табиат масканидир. Шу бо-ис улардаги вазиётни яхши-лаш чораларини кўриш ке-рак.

А. ПУЛЧИЕВ.

Мухаррир
Н. ЕҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»

(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета
Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском
языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Дехқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Меданит, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Бозорчилик бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.